БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 215 (17.497). • 18 сентябрь 1979 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

ҲАММА ЖОЙДА ДЕФОЛИАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

ТЕРИМДА СУРЪАТ БЎЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини колхозимиз пахтакорлари кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Ғўза парвариши шу қарор асосида ташкил этилиб, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам тугалланди.

Ҳозир пахта далаларига қарасак, шода-шода кўсакларни, лўппи очилган пахталарни кўриб кўзимиз қувнайди. Мутахассислар ва тажрибакор деҳқонларнинг фикрига қараганда, колхозимиз бўйича гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун замин яратилди. Лекин бу билан чекланиб қолмаймиз. Зарбдор йилни янада кўпроқ ҳосил олиш билан якунлаймиз.

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш мумкин ва лозим. Лекин деҳқончиликда ундан ҳам муҳимроқ вазифа бор. У ҳам бўлса йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш, мавжуд ҳосилнинг ҳаммасини сира нобуд қилмасдан қора совуқ тушиб, ёғингарчилик бошлангунча йиғиб-териб олиш ва юқори сортлар билан давлатга топшириш-дир. Бу йилги йиғим-терим мавсуми жуда катта синов бўлади. Бу муҳим ишдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас.

Бригадаларимизда ҳосил ҳали 40-45 центнерлик марра эгалланишидан далолат беряпти. Унсиной Холмирзаева бошлиқ бригада аъзолари эса 50 центнерлик хирмон учун курашяпти. Абдуваҳоб Жўраев, Абдувосит Ҳасанов, Сотиболди Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштирилди.

Ҳосил тақдирини механизаторлар ҳал қилади. Улар чигит экишдан тортиб, пахта йиғим-теримигача бўлган барча ишларни ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан аъло даражада бажариб келдилар.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Қодиржон Қўчқоров, область Советининг депутати Тўхтасин Раҳимов, Абдували Исроилов, Адашали Юнусов, Абдуғани Йўлдошев каби механизаторларимиз билан маслаҳатлашдик. Улар ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиш билан ўзгаларни ҳам янги зафарларга чорлашга сўз бердилар. Машина теримини намунали ўтказиш ҳаммамизнинг шарафли бурчимизга айланди.

Шу кунларда механизаторларимиз сингари химизаторларимиз катта ишларни бажармоқдалар. Қайси картада қачон дефолиация ўтказилиши аниқ белгилаб олинган эди. Кўсакларнинг катта қисми очилди. Шу сабабли ҳамма бригадаларимизда дефолиацияни бошлаб юбордик. Агротехниканинг бу муҳим тадбирини ўтказишда ер аппаратларидан оқилона фойдаланилмоқда. Химикатлар асосан тонг саҳар паллада ҳали барглардан енгил шабнам кўтарилмай туриб, шунингдек, кечки пайт, яъни баргларга шабнам қўнган кезда ўтказилмоқда. Шундай қилинганда химикат барглarga яхши сингиб таъсирчанлиги ортади ва барглар тўла ҳамда бир вақтда тўкилади. Барглarнинг тўла тўктирилиши эса машиналар иш унумини оширади, ҳар механик-ҳайдовчига кунига 20 тоннагача пахта териш имкониятини беради.

Колхозимизда 14 та терим машинаси бор эди. Машиналарни 22 тага етказдик. Уларнинг ҳар бирини икки механик-ҳайдовчи бошқаради. Механизаторларга қулай шароит яратиш ва техника хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида малакали кадрлар билан мустаҳкамланган кўчма устахоналар ташкил қилинди, уларга конкрет маршрутлар белгилаб берилди. Терилган пахта пешма-пеш тайёрлов пунктларига жўнатилади.

Пахта терими, хусусан машина терими оммавий равишда бошлангунга қадар яна бир қатор тадбирларни амалга оширамиз. Жумладан, ҳамма майдонларда бегона ўтларни бутунлай йўқотамиз. Сўнгги суғориш тугалланиши билан ўқариқлар, шоҳариқлар, марзаларни текислаб ташлаймиз. Машиналар бемалол айланиши учун карталарнинг икки четидан майдончалар очамиз. Ёнилғини дала шийпонлари ёнига келтириб қўямиз. Йўллар, кўприқлар ремонти меъёрига етказилди. Тош-тарозилар, этаклар тахт қилиб қўйилди. Механизаторлар ва теримчиларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермиз.

Республика партия ва ҳукуматининг қарорига жавобан 4400 тонна юқори сорт пахта тайёрлаб, юксак социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Шу кунларда қўл теримини жадал давом эттиряпмиз. Ҳамма бригадаларимиз кунига йиллик планнинг бир ярим процентига етказиб, ундан ошириб пахта топширяпти. Лекин суръатдан кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Ҳар йили сентябрь ойида йиллик планнинг 40—45 процентига миқдорида пахта тайёрланарди. Бу йил анча орқадамиз. Лекин далаларимизда ҳосил кўп, уни тезкорлик билан йиғиб-териб олишимиз, юқори сортлар билан давлатга топширишимиз керак. Сакиз ёшдан саксон ёшгача бўлган кишиларнинг ҳаммасини пахта теримига сафарбар этдик. Кўсаклар қийғос очиляпти, суръатни уч-тўрт процентга чиқариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Терим машиналари ишга туширилиши билан янада юксак чўққиларга эришамиз.

Н. ТОЖИБОЕВ,
Норин районидаги Ильич номли колхоз раиси.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта: учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида):

Бухоро	1,28	7,91
Қашқадарё	1,32	7,90
Сурхондарё	1,05	7,72
Фарғона	0,73	2,63
Андижон	0,32	0,97
Наманган	0,25	0,81
ҚҚАССР	0,24	0,66
Тошкент	0,18	0,53
Хоразм	0,18	0,43
Сирдарё	0,10	0,31
Самарқанд	0,05	0,13
Жиззах	0,05	0,11
Республика бўйича	0,51	2,70
Шу жумладан машинада		
Қашқадарё	0,23	0,91
Сурхондарё	0,11	0,36
Республика бўйича:	0,03	0,11
Шу жумладан нигичка толали пахта		
Сурхондарё	0,35	4,15
Бухоро	0,47	1,43
Қашқадарё	0,15	1,09
Республика бўйича:	0,29	2,93

ДЕФОЛИАЦИЯ КАНДАЙ БОРЯПТИ

Республика областларида дефолиациянинг бориши ҳақида шу йил 17 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон (планга нисбатан процент ҳисобида); учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Сирдарё	15,7	77,9
Жиззах	14,6	58,9
Тошкент	13,3	46,8
Қашқадарё	8,1	42,4
Сурхондарё	5,8	28,4
Наманган	6,6	22,1
ҚҚАССР	3,9	10,5
Андижон	1,7	5,9
Бухоро	0,9	4,1
Хоразм	0,9	2,9
Фарғона	0,9	2,1
Самарқанд	0,4	0,8
Республика бўйича:	6,0	25,6



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Ленин номли Поп территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси далаларида ғўзани дефолиация қилиш қизғин давом этяпти. Бу ишни қишлоқ хўжалик авиацияси учувчилари амалга оширмоқдалар. Суратларда: звено командири Василий Петрович Барабаш (чапда) ҳамда иккинчи учувчи Владимир Анатольевич Сидоренко ўртоқлар. Пастда — бирлашма пахтазорларида ғўзани самолёт билан дефолиация қилиш пайти.

Х. Ҳайдаров фотолари, (ЎзТАГ).

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАРНИНГ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

17 сентябрь куни В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида бўлиб ўтган Совет—Тунис дўстлиги митингида Тунис шаҳрининг ҳокими Салоҳ Авиж гапириб, биродарлашган шаҳарларимизнинг ҳамкорлиги халқларнинг тинчлиги, ҳамжиҳатлиги ва бахт-саодати йўлида йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз, деди.

Тунис шаҳар муниципалитетининг Салоҳ Авиж бошчилигидаги делегацияси республикада Ленинднинг Декрети билан очилган ва яқин орада 60 йиллигини тантана билан нишонлашга тайёрланаётган кекса олий ўқув юртининг фаолияти билан танишди. Ўзбекистон пойтахти билан биродарлашган Африкадаги шаҳар вакиллари университет тарихи музейида бўлдилар, ўқитувчилар ва студентлар билан суҳбатлашдилар.

Митинг қатнашчилари Тунис меҳнаткашларига тинчлик ва тараққиёт учун курашда янги-янги муваффақиятлар тилади-лар.

Университетдаги учрашув тунислик артистларнинг концертлари билан тугади.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Улар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Ўзбекистон Амалий санъат музейида бўлдилар. Делегация аъзоларининг Тошкент чинни заводи ишчилари билан, санъат усталари билан, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан қилган суҳбатларида, бошқа учрашувлар чоғида икки шаҳарнинг мустаҳкамланаётган дўстлиги тўғрисида, ҳамкорликни кенгайтириш истаги, Ер юзида тинчликни, халқлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга ҳамма чоралар билан ёрдам бериш ҳақидаги сўзлар эшитилди.

Тунис вакиллари Самарқандга сафар қилдилар. Улар қадимги шаҳарнинг ҳаёти билан, унинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

М. А. СУСЛОВ БРЯНСККА КЕЛДИ

БРЯНСК, 17 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бугун шу ерга келди. Ў Брянскка Октябрь Революцияси ордени топширилишига багишланган тантаналарда иштирок этади.

Аэропортда М. А. Сусловни КПСС Брянск область комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко, область ижроия комитетининг раиси И. М. Коновалов, Брянск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Войстроченко, шаҳар ижроия комитетининг раиси Е. Я. Евдокимов кутиб олдилар.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СЕССИЯСИГА

БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIV сессиясида СССР делегациясига бошчилик қилаётган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 17 сентябрь куни Москвадан Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Н. А. Тихонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ЮРАК СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕБ

Кардиологларнинг IV Совет—Америка симпозиуми Тошкентда ўз ишини тугаллади. Иккала мамлакатнинг таниқли мутахассислари актуал проблема — юрак мушаги модда алмашуви билан боғлиқ «миокард метаболизми»ни уч кун давомида муҳокама қилдилар.

СССР Фанлар академиясининг ва Медицина фанлари академиясининг академиги, Бутуниттифоқ кардиология марказининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. И. Чазов симпозиум ишига баҳо бериб қуйидагиларни айтди:

— СССР ва АҚШ кардиологларининг мазкур учрашуви инсон юрагининг соғломлиги учун курашдан иборат машаққатли йўлда қўйилган яна бир қадам бўлганлиги шубҳасиздир. Тошкентдаги учрашувда биргаликдаги ҳамкорлик натижалари тўғрисида кўпгина қизиқарли ахборотлар берилди. Жумладан, кейинги йилларда кардиологлар принцип жиҳатидан янги икки шифобахш препарат, мушак ҳужайрасига ва юрак қон томирларига актив таъсир ўтказиш имконини берувчи иммобилизация қилувчи ферментлар деб аталмиш препаратлар яратганликлари маълум қилинди. Яна шу нарса ҳам маълум қилиндики, ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг олимлари «Липосомлар» — ўзига хос микрокапсулалар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Ана шу микрокапсулалар дори-дармонларни каниқ адресга», яъни юрак ёки қон томирларининг бевосита ҳаста жойига етказиш проблемасини ҳал этишга ёрдам беради. Ана шуларнинг ҳаммаси медикларга ҳозирги кунда бутун дунёда соғликни сақлаш соҳасидаги бош вазифаларнинг бири бўлиб турган юрак-қон томир касалликларини диагноз қилиш, даволаш ва олдини олишнинг янги методларини ишлаб чиқишларида ёрдам беради. Бу галги учрашув олимлар ҳамкорлигини ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашди.

Е. И. Чазов Ўзбекистон медикларининг ютуқларига ижобий баҳо берди. У республикада кардиологларнинг ўз мактаби таркиб топганлигини қайд этди. Республика кардиология институти муваффақиятли равишда ўзининг дастлабки қадамларини қўймоқда. Республика мутахассислари симпозиумга иккита доклад тақдим этдилар.

Америка делегациясининг раҳбари профессор Ховард Е. Морган (у Пенсильвания штатидаги университет медицина коллежининг физиология бўлимига бошчилик қилади) бундай деди: симпозиумнинг якунларини чиқара туриб, у жуда муваффақиятли ўтди, деб айтиш мумкин. Менинг фикримча, Совет—Америка кардиологларининг ҳамкорлиги фойдали бўлиб, ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Биз Тошкентда имзоланган протокол кардиология хизматини янада ривожлантиришни ва фундаментал илмий-тадқиқотларни кенгайтиришни кўзда тутади. Жумладан, юрак-қон-томир системасининг энг кўп тарқалган ва хатарли касалликлардан бири — атеросклерозни диагноз қилиш ва даволаш билан боғлиқ иккита янги проблема фундаментал илмий-тадқиқотлар жумласига киритилди. Бу проблема икки йилдан кейин АҚШда ўтказиладиган навбатдаги учрашувда кўриб чиқилади.

Совет ва Америка кардиологлари республика ҳаёти билан танишдилар. Улар даволаш ва илмий-тадқиқот медицина муассасаларида бўлдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини кўздан кечирдилар, Тошкент областидаги колхозларни бориб кўрдилар. Совет—Америка симпозиуми қатнашчилари Бухоро ва Самарқандда бўладилар.

(ЎзТАГ).

МАТЕМАТИКЛАР ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ

Урганчда IX асрнинг улуғ ўзбек математиги ва астрономи Муҳаммад ал-Хоразмий ҳайкалига тош қўйилди. Бу воқеа алгебрага асос солган аллома ватанида математиклар халқаро симпозиуми очилишида бўлди. Алгоритм термини шу Ал-Хоразмий номи билан аталган.

Ал-Хоразмийга бағишланган шу анжуманга «Замонавий математика ва унинг татбиқида алгоритм» мавзу қилиб олинган. СССР ва Ўзбекистон Фанлар академиялари ташкил этган бу симпозиумда қатнашиш учун Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларидан олимлар шунингдек, йигирмата чет мамлакатдан вакиллар келдилар.

(ЎзТАГ).

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Пал Лошонцига

Азиз ўртоқ Пал Лошонци!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми олтмиш ёшга тўлишингиз муносабати билан Сизга, Венгрия Халқ Республикасининг таниқли давлат ва партия арбобига самимий қутловларни йўллайдилар.

Мамлакатларимиз, партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга қўшаётган катта шахсий ҳиссангизни Совет Иттифоқида юксак қадрлайдилар.

Азиз ўртоқ Лошонци. Сизга сиҳат-саломатлик, венгер халқи, социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янги катта муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ВСИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ПАЛ ЛОШОНЦИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси ўртоқ Пал Лошонци Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил 17 сентябрь.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

БУХОРО. Навоий районидаги «Дружба» совхози далаларида илк қўриқ пахтаси етиштирилди. Социалистик мусобақада Ҳамид Шомуродов бошлиқ бригада пешқадамлик қилаётир. Бу коллектив давлатга пландаги 54 тонна ўрнига 58 тонна биринчи сорт пахта топшириб, йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида галаба рапорти берди.

Бригада юксак социалистик мажбуриятини ҳам яқин кунлар ичида адо этиш учун курашмоқда.

* * *

Вобкент районидаги «Коммунизм» колхози далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Шамси Холиқов бошлиқ бригада энг яхши коллективлардан ҳисобланди. Бу бригада қисқа муддат ичида мавжуд майдонлардан 85 тонна юқори сифатли хом ашё териб олиб, йиллик планини шараф билан бажарди. Бригада терим суръатини сусайтирмасдан, давлатга тағин 36 тонна пахта топширишга аҳд қилди.

* * *

Қашқадарё область Нишон районидан қувончли хушхабар келди: «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг илғор механизатори Насриддин Абдуллаев ўз агрегати бункеридан 100 тонна пахта бўшатди. У механик-ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти.

* * *

Машина теримига — кенг йўл! Сурхондарё область Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механизаторларининг шиори ана шундай.

Мусобақада Хўжамқул Рустамов пешқадамлик қиляпти. У кунига 14 тоннага етказиб пахта термоқда. Мавсум бошидан буён терган пахтаси 90 тоннага етди.

Хўжамқул Рустамов йиғим-терим охиригача жами 630 тонна «оқ олтин» териб беришга қарор қилди.

* * *

Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда ғўза баргларини дефолиация қилиш билан бирга кўл терими ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бегимой Хожиназарова ўтган йилдагидек, бу йилги мавсумда ҳам ибрат кўрсатаётир. У ҳар кун 170 килограммгача дур-жавоҳир термоқда. Бегимой мавсумда 12 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган эди. Ҳозиргача терган пахтаси 4 тоннага етди.

* * *

Сурхондарёнинг Гагарин районидаги «Пограничник» совхозидан Фотима Жўрақулова пахта теримида юксак суръатга эришмоқда. Бир кунда у 200 килограммдан ошириб пахта теряпти.

Фотима Жўрақулова мавсум бошидан буён 3,5 тонна «оқ олтин» терди. Мавсумда эса 12 тонна пахта териб бермоқчи.

ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! Терим суръатини тобора оширайлик. Юксак меҳнат унумдорлиги учун қатъий кураш олиб боринг, «оқ олтин»нинг нобуд бўлишига сира йўл қўймангг!

* * *

Наманган областида Косонсой, Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон районлари пахтакорларининг Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти пауреатлари, шофирлар — Гулчеҳра Жўраева ва Гулчеҳра Нуруллаева билан учрашуви бўлиб ўтди. Улар Узбекистон деҳқонларининг қаҳрамонона меҳнатига бағишланган янги шеърларини ўқиб, ўзларининг ижодий планлари ҳақида гапириб беришди.

Учрашув охирида область маданият уйи ҳаваскорлик тўгараги коллективи концерт қўйиб берди.

* * *

Республикамизда пахта йиғим-терими кун сайин авж олмоқда. Деҳқонларимиз етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ва сира нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга интилмоқдалар. Қашқадарё область Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг 1-бўлими икки ҳафта ичида йиллик планини бажарди. Жўра Авазов бошлиқ бу коллектив хирмонга 225 тонна пахта топширди. Бўлим ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказиш мажбуриятини олган. Бу топшириқдагидан 2,5 баравар кўпдир.

* * *

Бухоро область Пешқу районидаги Ибн Сино номли колхоздан Гулнора Ҳасанова, Қашқадарё область Ғузор районидаги В. И. Ленин номли колхоздан Саноат Арабова, Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозидан Қиммат Бувихолова, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Узбекистон» совхозидан Хайингул Қурбонова ва Индил Содиқова ўртоқлар йиғим-теримда фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири шу кунга қадар улкан хирмонга қарийб 3 тоннадан пахта тўкди.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРГА ШОН ВА ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

* * *

Республика пахта далаларида машиналарнинг оммавий равишда теримга тушишига оз вақт қолди. Кўпгина область ва районлар дефолиацияни тез ва соз ўтказиб, агрегатларга кенг иш фронти яратиб бермоқдалар. Бу ишда Сирдарё область дала механизаторлари олдинда боришяпти. Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент областларида ҳам ғўза барглarини сунъий усулда тўктириш тез суръатлар билан олиб борилаётир. Ҳозир деҳқонларнинг бирдан-бир вазифаси — ғўза дефолиациясини ўз вақтида ва намунали ўтказишдан иборатдир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА «СССР ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўқувчиларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагиларга «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилсин:

Борисов Николай Семенович — Куйбишев область, Хворостянский районидаги Масленников ўрта мактабининг директори.

Вингрена Эугения Антоновна — Литва ССР, Аникшчяй районидаги 2-Аникшчяй ўрта мактаби директорининг ўринбосари.

Кобахидзе Григорий Бегларович — Тбилиси шаҳридаги 77-ўрта мактаб директори.

Субботина Зинаида Алексеевна — Киров область, Кировочепецк шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Тўхташев Нарзи — Самарқанд область, Пастдаргом районидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил 17 сентябрь.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ОЛДИНГИ САФДАГИЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

КОММУНИСТНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошираётган бунёдкор халқимиз олдида пайдо бўлаётган проблемаларни муваффақиятли ҳал этишда омманинг етакчилари бўлган коммунистлар ижодкорлиги, новаторлиги ва ташаббускорлиги тобора муҳим роль ўйнамоқда. Ўларнинг топширилган ишни бажариш жараёнидаги ижодкорлиги туфайли районимиз партия комитети, унинг бюроси конференция ва пленумларда белгиланган тадбирларни, раҳбар партия органларининг қарор ва кўрсатмаларини тобора тўлиқ бажаришга, оммани ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун курашга отлантиришга муваффақ бўлмоқда.

Райком пленумларидан бирида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кескин кўпайтириш масаласи муҳокама қилинди, жамоат чорвачилигини ривожлантиришга тўғаноқ бўлиб турган нуқсонлар очиб ташланди. Бу соҳани иккинчи даражали деб қараб, уни ривожлантиришга етарли даражада ғамхўрлик кўрсатмаётган хўжалик раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Пленумда гўшт, сут етиштиришни узлуксиз кўпайтириб бориш тадбирлари белгиланди.

Шуни айтиш керакки, қуйи звенода коммунистлар райком пленуми қўйган вазифаларнинг нечоғли муҳимлигини тўғри баҳоладилар. Бошлангич партия ташкилотларида пленум қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилиш тоғида гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришнинг янги-янги резервлари борлиги аниқланиб, план-топшириқларига тегишли тузатишлар киритилди. Шу тариқа оширилган муқобил планлар қабул қилинди. Уларни бажариш учун коммунистлар масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда киришдилар. Фермаларда илғор тажрибани чуқур ўрганиш, уни кенгроқ жорий этиш орқали чорва маҳсулдорлигини ошириш учун мусобақа қизғин тус олиб кетди.

Ана шу ялпи сафарбарлик вазиятининг қарор топишида бир группа партия ходимларининг тавсияси билан ўтказилган чорвадор коммунистларнинг тармоқ партия йиғилиши муҳим ўрин тутди. Бу йиғилишга Қолхоз ва совхозлар партия комитетлари, ферма партия ташкилотларининг секретарлари, партия группаларининг ташкилотчилари, чорвадор коммунистлар таклиф қилинди. Шу тариқа коммунистлар ўзаро тажриба алмашдилар, чорвачиликдаги ютуқ ва камчиликларни принципиаллик билан таҳлил қилиб чиқдилар, тармоқ коммунистларининг энг муҳим вазифаларини белгилаб олдилар. Бу партия йиғилиши фермаларда, чорвачилик комплексларида иш олиб бораётган партия ячейкалари фаолиятидаги янгиликни, ибратли тажрибани умумлаштирди. Райкомнинг хўжаликка раҳбарлик соҳасидаги фаолиятини эса партиявий иш олиб боришнинг ўзига хос самарали усули билан бойитди.

Лекин район партия комитетининг пленумида ишлаб чиқилган тадбирлар барча хўжаликларда ҳам бирдек бажарилиши таъминланди деб бўлмайди. Калинин номли колхозда паррандачилик фермаси ташкил этиш пайсалга солинаётганлиги пленумда ҳақли эътироз туғдирган эди. Афсуски, колхоз правлениеси, унинг раиси коммунист Абдусалом Абдуҳолиқов бу танқиддан тўғри хулоса чиқармади, пленум қарорини бажаришда сусткашликка йўл қўйди. Бу муҳим масалага совуққонлик билан қараганлиги учун у райком бюросининг мажлисида алоҳида муҳокама қилинди. Шундан сўнггина хўжаликда 12 минг бошга мўлжалланган паррандачилик фермасини қуриш бошлаб юборилди.

Кўриниб турибдики, ишга лоқайдлик, совуққонлик новаторлик ва ташаббускорлик сингари тушунчаларга мутлақо зиддир. Ишда ташаббускорлик сўнган жойда турғунлик юз беришини тажриба кўрсатяпти. Буни райком, унинг бюроси ҳамиша эътиборда тутмоқдалар. Чорвачиликда ишлаш учун коммунистларнинг ташаббускор, шижоатли вакиллари сафарбар этилмоқда. Бу соҳага 35 малакали мутахассис доимий ишлаш учун юборилди. Чорвачиликда меҳнат қилаётган коммунистлар сафи 11 кишига ўсди. Фермада иш олиб бораётган цех партия ташкилотларининг фаолияти жанговар, таъсирчан тус олмоқда. Улар чорвадорлар учун зарур шароит яратиш, таниқли чорвадорларнинг муносиб ўринбосарларини тарбиялаш соҳаларида начал, самарали иш олиб борадиган бўлиб қолди.

Партиявий ишда ижодкорлик, новаторлик ҳақида гап юритилганда даставвал партия қуйи ячейкаларининг етакчиларининг иш малакасини ошириш, уларни партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг форма ва методлари билан қуроллантириш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилиш лозимлигини унутмаслик керак. Акс ҳолда партия ташкилотларида ишни жонлантиришга, уларнинг коллективнинг хўжалик-сиёсий ҳаётига таъсирини ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган энг яхши планлар ҳам қуруқ қоғозда қолиб кетаверади.

Районимиздаги Тельман номли колхоз партия комитетининг фаолиятида рўй берган бир воқеа бу фикрнинг далили бўла олади. Партком секретари Умрзоқ Душаев партия йиғилишларини КПСС Уставида белгиланган муддатларда муттасил ўтказаётганлиги билан ўзича мағрурланиб юрарди. Лекин тажрибали партия ходимлари ўтказган текшириш сиртдан қараганда мукаммал йўлга қўйилган ана шу ишда ҳам жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатиб берди. Чунончи, партия йиғилишларида асосан раҳбарлар, хўжаликнинг етакчи мутахассислари сўзга чиқади. Улар ҳамиша ўзлари етакчилик қилаётган тармоқ ёки участкалардаги аҳвол тўғрисида ҳисоб бериш билан кифояланиб келганлар. Нотиқларнинг сўзлари кўпинча муҳокама қилинаётган масалага алоқадар ҳам бўлмайди. Шу тариқа йиғилишда ишни яхшилашга қаратилган бирон-бир мулоҳаза, бирон-бир амалий таклиф билдирилмасди. Партком секретари эса йиғилиш ўтиб турганлиги, унда тегишли «контингент»-даги нотиқлар сўзга чиқиб турганлиги билан кифояланиб юрабераркан.

Бугина эмас. Ана шу партия ташкилотида коммунистларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини оширишда қуйи бўғиндаги партия йиғилишларидан ҳам мутлақо фойдаланилмаган. Цех партия ташкилотлари ва партия группаларида йиғилишлар деярли ўтказилмаган. Бинобарин, бу ячейкаларнинг меҳнат коллективлари фаолиятига таъсири амалда сезилмай қолаверган.

Тельман номли колхоз партия ташкилотида содир бўлган бу ҳодиса партия ходимларини жиддий ўйлантириб қўйди. Биз коммунистларнинг етакчилари учун ташкил этиладиган семинарларда шу сингари масалаларга алоҳида эътибор бердик. Партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, қабул қилинган қарорларни бажаришни ташкил этиш, партия аъзолигига қабул қилиш ва ёш коммунистлар билан ишлаш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг форма ва методлари хусусида малакали партия ходимларининг докладларини, суҳбатларини ташкил этдик. Шу тариқа 66 бошлангич, 71 цех партия ташкилоти секретарлари ҳамда 49 партия группаси ташкилотчиларининг ўқиши изчил йўлга қўйилди. Семинар машғулотлари, КПСС қурилиши асосларини ўрганиш бўйича ташкил этилган халқ университети машғулотлари партия активининг ишчанлик малакасини, ташкилотчилик маҳоратини оширмоқда. Улар ишда тобора ташаббускорлик кўрсатадиган, кундалик ҳаёт ўртага қўяётган актуал проблемаларни ҳал этишга ижодий ёндашадиган партия ходимининг чинакам фазилатларини ўзларида мужассамлаштирмоқдалар.

Партиявий ишда ижодкорлик, меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларни амалга оширишда ташаббус кўрсатиш ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилидир. Биз кундалик фаолиятимизда ана шуни ҳамиша диққат марказида тутмоқдамиз. Партия активи билан ишлашнинг усул ва услубларини шу асосда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Т. ХОЛБОЕВ,
Пискент район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.

РАЦИОНАЛИЗАТОР

Тошкент тепловоз ремонти заводи ихтирочи ва рационализаторлар бюроси бошлиги В. Ф. Попов билан чўян қуюв цехига кириб бордик. Цехнинг улкан биносида қудратли механизмлар гувиллайди, гуриллаб ёнаётган печлардан сачраётган учқунлар кўзни қамаштиради. Ишчилар локомотивларга тормоз колодкалари тайёрлашяпти.

Цех ўртасида нима ҳақдадир баҳслашиб турган уч ишчидан бири биз томон йўл олди.

— Сиз таништмоқчи бўлган Насим Ажемиров шу киши бўлади,— деди ҳамроҳим.

Ўрта бўй, кенг елкали, табиатан мулойимлиги юзидан билиниб турган бу киши биз билан самимий сўрашгач, қўлидаги қоғозни Владимир Фёдоровичга тутди:

— Шуни бир кўриб берсангиз.

Ажемиров бизни ўзининг — цех партия ташкилоти секретарининг хонасига бошлаб кирди. Ўзи узр айтиб чиқиб кетди. Смена тугашига ҳали бир оз бор эди.

— Ишбилармон кишилар камгапроқ бўлади ўзи, — деди Попов. — Насим ҳам ўшалар хилидан. Унинг бу цехда ишлаётганига ўттиз йил бўляпти. Мен уни йигирма йилдан бери биламан. Ишчанлиги ва ташкилотчилик қобилияти билан обрў-эътибор топганлардан. Ҳозир ремонтчилар бригадасига бошчилик қилаётир. Ўтган йили бу коллективнинг меҳнатдаги ютуқлари Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг мукофотига сазовор бўлди. Бундан ташқари Ажемиров заводимизнинг энг илғор рационализаторларидан бири. У Бутуниттифоқ ва республика ихтирочи ва рационализаторларининг кейинги съездлари делегати. Ўзбекистон ихтирочи ва рационализаторлар жамияти республика Советининг аъзоси...

Ёшлигидан қалбига ижодкорлик орзуси ошно бўлган киши ҳеч қачон ҳозирги куни билан чегараланиб қолмайди. У доимо юксакликка интилади. Ажемировда ҳам шундай хислат бор. 1959 йили цех реконструкция қилинаётган кезларда П. Попова бригада технологи эди. У йигитларни ишга ижодий ёндашишга ўргатди. Бу пайтда анча-мунча тажриба орттирган Н. Ажемировнинг Я. Ротов билан ҳамкорликдаги илк рационализаторлик таклифи темир-терсакларни майдаловчи гурзи қурилмасининг туширувчи механизмини реконструкциялашдан иборат бўлди.

Рационализаторлар кўпинча янгиликларни аввал амалиётда синаб кўриб, тўла ишонч ҳосил қилишгач, бюрога таклиф қиладилар. Масалан, Н. Ажемировнинг Я. Ротов билан биргаликда тупроқ тайёрлаб берувчи ғилдираклар таянчининг конструкциясига киритган ўзгартириши худди шундай қилинган. Бу — йилига 2 минг сўмдан ортиқ иқтисодий фойда келтирди.

Уч киши бир неча кундирки, сменадан кейин қолиб, узоқ суҳбатлашдилар. Ҳатто баҳслашув авжга чиқди. Ҳар кимнинг таклифи қайта-қайта синаб кўрилади. Синов вақтида бошқача фикр ва вариантлар юзага келади. Хўш, ёнилғининг қандай қилиб тўла даражада сиқишига эришиш мумкин? Қачонгача газнинг бир қисми бекордан-бекорга исроф бўлади?

Н. Ажемиров, А. Ковшина ва Ч. Одобошларнинг бедор тунлари, баҳс-тортишувга кетган вақтлари зое кетмади. Ўз тиллари билан айтганда «Горелка»нинг ёнилғи ёндиган ва газ етказиб берадиган қисмларига ўзгартиришлар киритдилар. Натижа қаккі бўлмади. Бу — йилига 6 минг сўмлик ёнилғи тежаш имконини берди.

Н. Ажемировнинг ҳар бир рационализаторлик таклифи ҳақида ҳикоя қилишнинг ижоси йўқ. Унинг ўтган йиллар мобайнида қўлга киритган ютуқларини қуйидаги мисол яққол исботлайди.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз ремонти заводида яхши анъана бор. Ҳар тўрт йилда яхуланадиган «Заводнинг энг яхши рационализатори» мусобақаси шартларига кўра, йилига камида 4 минг сўм иқтисодий фойда келтирадиган рационализаторлик таклифи киритганлар шу номга сазовор бўлади. Н. Ажемиров бундай шарафга бир неча марта эришган.

— Эсингиздами, — деди В. Попов сўнгги учрашувимизда, — Ажемировни таништирган куним у менга бир қоғозни тутқазганди. Бу янги рационализаторлик таклифи экан.

А. ҚОРЖОВОВ.

Янгийўл «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи пландан ташқари аъло сифатли турли конфетлар, печеньелар ва шоколадлар тайёрлаш юзасидан оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқда. Суратда: (олдинда) конфет-шоколад цехининг илғор ишчиларидан Сария Зарипова.

И. Глауберзон фотоси.

ГЕОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Шу йил 18—23 сентябрда Тошкент шаҳрида Бутуниттифоқ металлогения кенгаши ўтказилади. Бу анжуманда табиатда учрайдиган рудали конларнинг йирик билимдонлари — Иттифоқимиздаги етакчи геолог-олимлар иштирок этади.

Металлогения фанининг асосий вазифаси рудали конларни фазовий ва вақтда тарқалиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Бундай конлар одатда тегишли металлогеник ва олдиндан прогноз қилиш металлогеник карталари тузилиши билан кузатилади. Карталар турли геолог олимларнинг шахсий фикрлари асосида ҳар хил тузилса ҳам, улар асосида фақат рудали конларни топиш масаласи ётади.

Бундай карталарни тузишдан олдин уни тузиш усуллари, металлогеник изланишлар методикаси мунозара қилинади ва умумий бир фикрга келинади.

Металлогеник карталарда Ернинг айрим тараққиёт даврлари, унинг алоҳида бўлаклари, зоналари, қисмларида рудаларнинг жойлашиш қонуниятлари кўрсатилади. Бу эса металл конларни самарали излашда бебаҳо восита бўлиб хизмат қилади.

Иттифоқимизда биринчи бўлиб нисбатан мукаммал металлогеник карталар асосан Бутуниттифоқ геология институти коллективи (Ю. Билибин, С. Смирнов, А. Семёнов, Е. Карпова ва бошқалар), академик К. Сатпаев раҳбарлигидаги Қозоғистон геологлари коллективи ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Абдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистонлик бир гуруҳ геологлар томонидан амалга оширилган. Бу ишларнинг барчаси, шунингдек қатор бошқа ишлар 1958 йилда Олмаотада ўтказилган биринчи Бутуниттифоқ металлогения кенгашида намойиш этилган эди. Шу кенгаш самараси ўлароқ биринчи бўлиб металлогеник карталар ва изланишлар бўйича дастлабки методик қўлланма тузилган. Жумладан, бу қўлланмага Ўрта Осиё металлогенчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология институти металлогения лабораторияси қошида 1962 йилда ўтказган кенгашида асос солинган эди. 1958 йилдан кейин Киевда, Бокуда, Ленинградда, Фрунзеда, Владивостокда, Иркутск ва Свердловскда, жами 7 марта Бутуниттифоқ металлогения кенгаши ўтказилди. Улар металлогениянинг умумий масалаларига бағишланди. СССРнинг айрим регионлари металлогениясини акс эттирувчи проблемалар муҳокама қилинди. Владивосток кенгаши — Тинч океан халқаси, Фрунзеда Тиёншоннинг умумий металлогениясига, Свердловскдаги кенгаш — Урал руда конларининг жойлашиш қонуниятларига бағишланган эди.

Ҳозирги Тошкент кенгаши, Свердловскда ва Фрунзеда ўтказилган металлогения кенгашларининг мантиқий давоми ҳисобланади, яъни Тиёншоннинг тоғ ҳосил бўлиш (ороген) босқичларининг ривожланиши металлогениясига бағишланади. Бу босқичлар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг Тиёншон тоғларида айниқса яққол ифодаланган: ороген босқичлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган нордон гранитоид тоғ жинслари кенг тарқалган. Булар билан кам учрайдиган металлар ҳамда флюорит, мис, қўрғошин, руҳ ва бошқа конлар боғлиқ бўлади.

Тошкент кенгашида Фрунзе анжуманида ўта муаммо ҳисобланган масалалар янги такомиллашган далиллар асосида муҳокама қилинади. Шулар қатори ўзбек геологлари томонидан Ўрта Осиёнинг ер пўсти тузилиши ва юқори мантияси тўғрисида доир аниқ ва регионал геофизик аэрокосмогеология материаллари ва бошқалар биринчи бор намойиш қилинади.

Кенгашнинг ялпи йиғилишларида академик В. Смирнов, Ўзбекистон ССР геология министри Ҳ. Тўлаганов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари И. Ҳамрабоев, Х. Боймуҳамедов, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Қаюпов, Ўзбекистон ССР геология министрининг биринчи ўринбосари В. Гарьковец, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Г. Твалчрелидзе, Л. Овчинников, Бутуниттифоқ геология институтининг директор ўринбосари Д. Рундквист, Марказий геология ва рудали конлар илмий-тадқиқот институти директори П. Иванкин, Бутуниттифоқ минерал хом ашёлари экономикаси институтининг директори В. Федорчукларнинг қизиқарли докладлари тингланади.

Бундан ташқари учта секция иш олиб боради, буларда металлогениянинг умумназарий масалалари, айрим районлар ва регионлар, шунингдек баъзи металлар металлогенияси муҳокама қилинади.

Кенгаш сўзсиз бу фаннинг янада тараққий этиши учун хизмат қилади ва Ўрта Осиё ер бағирларидан турли-туман руда конларини излаб топишда самарадорликнинг ошишига ёрдам беради. Энг муҳими эса Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон геологлари ишига якун ясайди. Уларнинг шу республикалар территорияларидаги рудали конларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганишдаги ютуқлари намойиш қилинади.

Маълумки бу республикаларнинг бир қатор металл конлари Иттифоқимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бундай ютуқларнинг қўлга киритилишида марҳум аллома Ҳ. Абдуллаев асос солган Ўрта Осиёнинг ўзига хос металлогения мактаби роли катта.

Сўнгги йилларда Ўзбек геологлари томонидан бир қанча янги конлар очилди. Буларнинг баъзилари умуман янги бўлиб, дунёда маълум бўлмаган типдаги рудали конлардир. Улар тўғрисида ҳам кенгашда қизғин мунозаралар бўлиши кутилмоқда.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, кенгашда Қозоғистон ва Ўзбекистон металлогения олимлари (Д. Қаморобоев, А. Абдулин, А. Қаюпов, Ҳ. Боймуҳамедов, М. Аҳмаджонов, О. Борисов, В. Ли, Г. Ляпичев, Л. Мирошниченко, П. Панкратьев ва бошқалар) ҳамкорлигида тузилган Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг биринчи металлогеник картаси намойиш этилади.

Кенгашнинг ҳар доимгидек энг фойдали томонларидан яна бири шу бўладики, унинг иштирокчилари бир-бирларининг ишлари билан яқиндан танишадилар, фикр алмашадилар ва бу борада илмий-тадқиқот ишларининг режаларини тузадилар.

Т. ВОРОНИЧ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти металлогения лабораториясининг мудири.

Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
шу институтнинг катта илмий ходими.

мусобақа Кундалиги

ШАХСИЙ ИБРАТ КУЧИ

Далварзин ремонт-механика заводининг меҳнатсевар коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб, маҳсулот реализация қилиш план ва мажбуриятларини ошириб бажаришда намуна бўлаётир. Яқинда корхона меҳнат аҳли тўрт йиллик планни муддатидан анча олдин шараф билан адо этганлиги ҳақида галаба рапортига имзо чекди. Мўлжалдаги 7 миллион 538 минг сўмлик ўрнига 7 миллион 560 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу даврда 9535 та двигатель сифатли ремонтдан чиқарилди, 70 та трактор, 645 та экскаватор созлаб берилди.

Ремонтчилар қўлга киритган бу галабада Ўзбекистон Компартияси XIX съезди делегати В. Нефедь, Қ. Охунов, И. Абдукимов, А. Белялов сингари илғор ишчиларнинг ҳиссаси каттадир. Улар шахсий ибрат намунасини кўрсатиб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Саноатчиларнинг шу кунлардаги бутун диққат-эътибори йил охиригача планга қўшимча 960 минг сўмлик тайёр маҳсулотларни реализация қилишга қаратилган.

Т. УСМОНОВ.
Бекобод райони.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, партия XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этган ҳолда меҳнат қилиб, 14 сентябрда ўнинчи беш йиллик тўрт йили планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Шу кунгача 170.7 миллион сўмлик товар маҳсулоти реализация қилинди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 100,2 процент бажарилди. Ишлаб чиқариш ўсиш суръати беш йиллик планда кўзда тутилган 7,8 процент ўрнига 19,7 процентни ташкил этди.

Жамият ишлаб чиқариш корхоналари коллективлари эришилган ютуқларини мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга интилиб, йил охиригача планга қўшимча яна 14,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРА БОРИБ

САМАРАЛИ УСУЛ

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШЛАРИДА БЕЛОРУССИЯ ТАЖРИБАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида: «Бошқарув фаолияти ва аввало планлаштириш соҳасидаги фаолият халқ хўжалигининг пировард натижаларига эришишни кўзда тутиши лозим» деган эди. Партия олий анжуманида олға сурилган бу вазифани самарали ҳал этишда Белоруссия қурувчилари ва монтажчилари амалга ошираётган комплекс иқтисодий тажриба қўл келяпти. Уч йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, синалаётган усул ишончлилиги ва келажаги борлиги билан ажралиб турибди. Янги шароитларда барча ишларнинг асосий баҳо берувчи кўрсаткичи қурилиши тугалланган ва буюртмачиларга топширилган объектлар ҳамда комплекслар бўлиб қолди. Бошқача айтганда, давлатга, халққа зарур тайёр қурилиш маҳсулотига қараб баҳо берилмоқда. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги коллективлари Белоруссиялик ҳамкасабаларидан ибрат олиб, икки йилдан бери янги усулда ишлашмоқда.

Шу давр ичида қандай натижаларга эришилди? Жамоатчи мухбиримиз И. Ахметовнинг бу саволига республика қурилиш министри **Сервер Абдуллаевич ОМЕРОВ** қуйидагича жавоб берди:

— Режалаштирилган ҳамма ишлар поёнига етмаган бўлса ҳам янги усулдан умидимиз катта. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи ичида министрлигимиз коллективлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 процент кўп ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширдилар. Яъни, халқ хўжалиги планидаги, СССР Давлат план комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номенклатурасидаги 20 та ўрнига 32 та объект ва қувват ишга туширилди. Уларнинг тўртдан бир таси белгиланганидан аввал фойдаланувчиларга топширилди.

«Ўзбекметаллургстрой», «Алмалыксвинецстрой» трестлари ва «Самаркандхимстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари зарбдорчасига ишлаб, йирик қувватларни фойдаланишга топширишни таъминладилар. Улар Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида 250 тонна пўлат эритадиган ва уни узлуксиз қуядиган комплекслар, 2-кислород блокини, Самарқанд суперфосфат заводида 853 минг тонна аммофос ва 136.4 минг тонна фосфор кислотаси ҳосил қилувчи комплекслари, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида янги қувватни қуриб битказдилар. Қурилиш маҳсулоти реализация қилиш саккиз ойлик планини ортиғи билан адо этган «Ўзбекшахтострой», Шўрчида 36 минг тонна ғаллани сиғдира олувчи элеваторни қурган «Спецэлеватормельстрой» ҳамда 6 ва 14-трестлар коллективлари ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин. Бу йилги қурилишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ишга тушириладиган объектларда ишчи кучлари ва модий-техника ресурсларини концентрациялашга эришилди. Бу, тугалланмаган қурилишлар ҳажмини пландагига қараганда 20 миллион сўмликдан зиёдроққа қисқартириш ҳамда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16 миллион сўмликка камайтириш имконини берди. Биз бир вақтнинг ўзида қурилаётган объектлар сонини ҳам кескин камайтира олдик.

Буларнинг ҳаммаси — муҳим иқтисодий тажрибани амалга ошириш учун олиб борилган машаққатли тайёргарлик ишларининг дастлабки натижаларидир. Янги тажриба министрликдан, унинг трестлари ва корхоналаридан ишлаб чиқариш фаолиятининг ташкилий-техникавий савиясини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар кўришни талаб қилди. Мана бу мисолларга эътибор қилинг. Бизда 1978 йилдан бошлаб ҳар кварталда қурилиш ишлаб чиқаришини комплекс инженерлик тайёргарлиги билан олиб бориш планлари ишлаб чиқиляпти, ва тасдиқланмоқда. Қуйидан оператив планлаштириш ҳам бир мунча яхшиланди. Ишга туширилаётган объектлар қурилишининг боришини назорат қилувчи автомат ахборот системалари жорий қилинди.

Янги эксперимент қурилишнинг техникавий даражасини ҳам оширишни талаб қиларди. Мисол учун тўла йиғма қурилиш салмоғини олайлик. 1978 йили пудрат ишларининг умумий ҳажмида у 72 процентни ташкил қилган бўлса, бу йил 75 га кўтарилди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларини тўла йиғма конструкциялардан қуриш салмоғи анча ўсди. Самарали бинокорлик материаллари ва конструкцияларидан: юқори маркали цемент, шиша профилит, букма шаклли металл прокати ва бошқалардан фойдаланиш илгаригига қараганда анча кўпайди.

Шу билан бирга, 1978 йил ва шу йилнинг саккиз ойи натижалари, агар қурилиш ишлаб чиқаришида қатнашувчи барча ташкилотлар янгиликни муваффақиятли жорий этиш учун зарур бўлган шартларни бажарганларида министрлигимиз пудрат фаолиятининг кўрсаткичлари бундан ҳам аъло бўлишидан далолат бермоқда.

Юқорида айтганимдек, эксперимент шароитида асосий кўрсаткич қурилиши тугалланган ва буюртмачиларга топширилган объектлардир. Гап шундаки, пудратчи министрликлар объектларни қачон ишга туширишни планлаштирадилар. Аммо буюртмачиларни эсдан чиқариб қолдирадилар. Буюртмачилардан капитал маблағлар ҳажмини ўзлаштиришнига талаб қилишади. Мана шундан пудратчи ва буюртмачи ишида хилма-хиллик ва чалкашлик келиб чиқади. Айтайлик, буюртмачи шартномани бажармади. Аммо ҳеч қандай жазога тортилмайди. Бутун зарарни пудратчи кўриб, олдиган фойдаси қисқаради, моддий рағбатлантириш фонди камаяди. Иш ҳақи ортиқча сарфланади. Жумладан, технология усулларини ўз вақтида етказиб беришни таъминламаган Фарғона азотли ўғитлар заводи маъмурияти, СССР Химия саноати министрлиги ва «Союзхимкомплект» айби билан ўтган йили триацетилцеллюлоза, сирка кислотаси, сирка ангидриди ва хлорат магнийли дефолиант ишлаб чиқарувчи қувватларни фойдаланишга топшира олмадик. Бундай мисолни яна келтириш мумкин.

Янги тажрибани амалга оширишда қатнашаётган кўплаб пудратчи ишлари планига эга эмас. Буюртмачилар одатда икки йил учун план тузишмайди. Янги шароитларда эса бу қурилиш жараёнида банд бўлган ҳамма учун мажбурийдир. Пудратчилар учун ҳам буюртмачилар учун ҳам қонун бўлиб қолиши керак.

Янги усулни жорий этарканмиз, бутун йил давомида объектларни аниқ маромда ишга туширишни таъминлаш мақсадида келгуси йил учун нормадаги иш ҳажмини тайёрлаб қўйиш муҳим аҳамиятга моликдир. Лекин планлаштирувчи органлар бунга ҳам унча аҳамият бермаяптилар. Шунинг оқибатида Иттифоқ-республика Енгил ва Озиқ-овқат саноати министрликлари, шунингдек республика Олий ва Ўрта махсус таълим, Маориф, Маданият, Коммунал хўжалик министрликлари маблағларни сочиб юборяптилар. Министрлигимиз планида 1980 йил 1 январгача қурилиш муддати узайтирилган ва 194 миллион сўмлик ҳажмида иш бажарилиши керак бўлган 90 та қурилиш қолади.

Мен юқорида буюртмачилар йўл қўяётган камчиликлар ҳақида гапирарканман, бизнинг ташкилотларимизда ҳамма иш силлиқ, демоқчи эмасман. Трестларимиз фаолиятида ҳали кўпгина жиддий хатолар мавжуд. Биз уларни бартараф қилиш учун чора-тадбирлар кўрмоқдамиз. Гап бошқа ерда. Янгилик қурилишда иштирок этувчи ҳамма ташкилотларнинг шартномаларга сўзсиз бўйсунишини тақозо этади. Пудратчилар, буюртмачилар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, лойиҳачилар ва таъминотчилар объектларни ўз вақтида ишга тушириш учун баб-баравар жавоб берсинлар. Бу фикр КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилинган «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида қўйилган талабларга ҳам мутлақо ҳамоҳангдир.

КУЗГИ ДОННИ СИФАТЛИ ЭКИБ ОЛАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган республикамиз ғаллакорлари дон етиштириш ва тайёрлашни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Ғаллакорлар бу йил бошоқли дон экинларидан 1150,7 минг тонна ялпи ҳосил етиштирдилар. Бу планда белгиланганидан 320,7 минг тонна кўп демакдир. Ватан омборига 555 минг тоннадан зиёд ёки йиллик пландагидан 2,4 баравар кўп дон тўкилди. Бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги гектарига 12,8 центнерни ташкил этди.

Эришилган муваффақиятлар биринчи навбатда деҳқончилик маданиятининг юксалганлиги, ишлаб чиқаришга илғор усулларнинг жорий этилганлиги, дон етиштириш агротехникасининг сифати оширилганлиги ҳамда ер ресурсларидан унумли фойдаланилганлигининг самарасидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори ғаллакорларимизни ҳосилдорликни ошириш учун резервлардан янада яхшироқ фойдаланишга, ялпи ҳосилни кўпайтиришга давлатга сотиладиган доннинг сифати ва ҳажмини оширишга даъват этади. Дон етиштиришни кўпайтиришда кузги дон экинлари муҳим роль ўйнайди. Айни кунларда кузги дон уруғини ва экин майдонларини сифатли тайёрлаш, экишни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

1980 йилда кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонлар 860 минг гектарни ташкил этади. 13 сентябрга қадар ана шу майдонларнинг 612,6 минг гектари ёки 71,3 проценти шудгор қилинди. Ер ҳайдаш Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё областларининг хўжаликларида яхши ташкил этилмоқда. Бу жойларда ҳозиргача белгиланган майдонларнинг 80—92 проценти шудгорланди. Бироқ, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах ва Фарғона областларида шудгорлаш ишлари суст боряпти. Бу областларда кузги ғалла экиш учун ажратилган майдонларнинг ярмидан кўпроғи ҳалигача шудгор қилингани йўқ. Чуст, Янгиқўрғон, Хатирчи, Пахтачи, Жомбой, Когон, Бухоро, Шофиркон ва Навоий районларининг хўжаликларида ҳам дала ишларининг суръати ўтган йилдагига нисбатан суст боряпти.

Ҳозир республика ғаллакорлари олдида келгуси йил ҳосилига мустаҳкам пойдевор қўйишдек масъулиятли вазифа турибди. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши куз фаслида амалга ошириладиган агротехник тадбирларнинг тўғри ва сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Уруғ экишнинг оптимал муддатлари келишига қадар ҳамма жойда далаларни экишга сифатли тайёрлашни тугаллаш зарур. Ғалла ҳосилдорлиги ва унинг сифатига тупроққа солинадиган органик ҳамда минерал ўғитлар катта таъсир кўрсатади. Маҳаллий ўғитларни гектарига 8—10 тоннадан солиб, кейин 20—24 сантиметр чуқурликда шудгорлаш лозим. Лалми ерларга гектарига 40 килограммдан азот, 40 килограммдан фосфор солиш тавсия этилади. Суғориладиган майдонларда эса гектарига 90 килограммдан минерал ўғитлар солиш мақсадга мувофиқдир.

Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, ярим қумлоқ адирли ва қумлоқ тоғолди лалми майдонларда ғалла уруғини экиш учун оптимал муддат октябрь ойининг иккинчи ярмида бошланади. Қумлоқ тоғли зоналарда эса октябрь ойининг дастлабки кунларида бошланади. Уруғ экиш муддати барча зоналарда 10—12 кундан ошмаслиги зарур. Экишни жадал суръат билан ўтказиш учун ишни ипатоволиклар методи асосида ташкил этиш керак. Далалардаги барча техника воситалари икки сменада ишлатилиши, агрегатларга техника хизмати кўрсатиш ўз вақтида амалга оширилиши зарур.

Уруғликни экиш нормаси ниҳоллар қалинлигини ва пировардида ҳосилдорликнинг миқдорини белгилайди. Дон экинлари уруғлиги юқори сифатли бўлиши лозим. Биринчи ва иккинчи класс уруғликлардан бақувват ниҳоллар униб чиқади. Уруғликни юқори кондицияга етказиш мўл ҳосил олишнинг муҳим шартидир. Бироқ текширишлар шуни кўрсатдики, республика колхоз ва совхозларида уруғлик тайёрлаш кўнгилдагидек эмас. Масалан, 10 сентябрга қадар жамғарилган 165,7 минг тонна уруғлик буғдой ва арпанинг 73 минг тоннаси ёки 44 проценти текшириб кўрилганда, унинг 47,8 минг тоннасигина кондицияга етказилган, деб тан олинди. Сирдарё областининг хўжаликларида 9,6 минг тонна уруғликнинг 7,2 минг тоннаси текшириб кўрилди, шундан 0,7 минг тоннаси ёки 9,4 проценти кондицияга етказилган деб тан олинди ва 0,8 минг тонна уруғликнинг I, II классга мансублиги аниқланди. Худди шунингдек, Самарқанд областида 3,4 минг тонна, Жиззах областида 3 минг тонна, Қашқадарё областида 2,4 минг тонна, Андижон ва Бухоро областларида 0,5 минг тоннадан, Фарғона областида 0,6 минг тонна, Тошкент областида 0,2 минг тонна уруғлик I ва II классга тўғри келди.

Лалми ерларда экиладиган буғдойнинг «Қизил Шарқ», «Тезпишар», «Леукурум-3», «Сурхон» «Олтин буғдой», арпанинг Унумли арпа, Каршинский, Чўлпон навлари энг яхши районлаштирилган навлар ҳисобланади.

Бу йил лалмикор зоналарда бошоқли дон экинларининг қоракуя билан зарарланганлиги кузатилди. Шу боисдан хўжаликларда кондицияга етказилмаган уруғлик миқдори кўпаймоқда. Айниқса, ғаллазорларнинг қоракуя билан зарарланганлиги сабабли Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах областларининг бир қатор районларида ташвишли аҳвол юзага келди. Чироқчи районининг хўжаликларидан 13 минг, Ғузор районида эса буғдойзорларнинг 29 проценти брак қилинди. Бу йил Ғаллаорол, Фориш районлари ва Сирдарё областининг айрим хўжаликларида ҳам қоракуя тушган ғаллазорларни брак қилиш ҳоллари рўй берди.

Хўжаликларда жамғарилган уруғлик доннинг қоракуя билан зарарланганлиги кўпайиб боряпти. Шу боисдан қишлоқ хўжалик органлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати уруғлик буғдой ҳамда арпани дорилашни ўз вақтида ўтказиш юзасидан назоратни кучайтиришлари, дорилашда қатъий технологияга амал қилинишини таъминлашлари, дориланмаган уруғликнинг экилишини қатъий тақиқлашлари мақсадга мувофиқдир.

Дорилашни марказлаштирилган ҳолда амалга ошириш зарур. Бунда ҳар тонна уруғликка 1—2 килограмм фунгицидлар (гранозан, гексахлорбензол) билан ишлов берилади. Дорилаш пунктларида уруғликни дорилайдиган ПУ-3, ЗПС-60 дон юклагич ва ЗСА-40, АС-2-УМ автопогрузчиклари билан жиҳозлантирилган бўлиши зарур. Уруғликни экишга тайёрлаш пайтида оғир меҳнат талаб қиладиган жараёнларнинг механизациялаштирилиши экишни тезлаштиради ва сеялка ҳамда тракторларнинг бекор туриб қолмаслигига имкон беради.

Экишнинг сифатли ўтказилиши кўп жиҳатдан агрегатларнинг ишига боғлиқ. Сеялкаларнинг пухта ремонт қилинганлиги ҳар бир хўжаликда махсус тузилган масъул комиссиялар томонидан текширилиши шарт.

Дон етиштиришни кўпайтиришда суғориладиган майдонларнинг аҳамияти жуда каттадир. Илғор хўжаликларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суғорилдиган майдонларнинг ҳар гектаридан 50 центнергача дон ҳосили олиш мумкин. Бунинг учун ерларни ҳайдаш олдидан гектарига 15—20 тоннадан маҳаллий ўғит, 300—350 килограммдан фосфор, 120—150 килограммдан хлорли калий солиш тавсия этилади.

Кузда буғдойнинг «Безостая-1», «Аврора», «Сетте-Церос», арпанинг «Паллидум-596», «ДЕА», «Тазим», «Каршинский», «Тошкаллак», «Андижон маҳаллийси» навларини экиш тавсия этилади. Суғориладиган майдонларга кузги ғаллани экишнинг энг яхши муддати сентябрь ойининг охирги 10 кунлигидадир. Жанубий областларда эса октябрь ойида энг яхши муддат бошланади. Кузда гектарига 170—180 килограммдан уруғлик экиш яхши норма ҳисобланади. Уруғлик суғориладиган майдонларда 6—7 сантиметр чуқурликка экилиши лозим. Уруғликнинг бундай чуқурликка тушиши уни қишда музлаб қолишдан сақлайди.

Ҳозирги вазифа шундан иборатки, ҳамма жойда юқори иш ритмини таъминлаш ва ҳар бир фурсатдан фойдаланиш зарур. Бугунги кундаги ғайрат 1980 йил ҳосилининг мўл бўлишини таъминлайди. Экишни олдиндан тузилган график асосида, техникадан группа усулида фойдаланилган ҳолда ташкил этиш лозим. Моддий ва маънавий рағбатлантириш системаларидан оқилона фойдаланиш ишнинг муваффақиятини таъминлашга ёрдам беради.

Ҳозир барча ғалла тозалаш техникасини ишга тушириш, керакли миқдордаги уруғликни тозалаш ҳамда юқори кондицияга етказиш биринчи навбатдаги вазифалардир. Уруғликни ўз вақтида экиш учун қулай фурсатлардан фойдаланиш керак. Юқори ҳосилли навларни алмаштиришни амалга ошириш, кузги дон экиладиган майдонларга солинадиган органик ва минерал ўғитларнинг нормада бўлишини таъминлаш, ўғитларни солиш усулларини такомиллаштириш лозим.

Қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия комитетлари кузги дон экишни сифатли ўтказиш юзасидан доимий назорат ўрнатишлари зарур. Хўжаликларнинг барча мутахассислари ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга, кузги бошоқли дон экинлари экиладиган майдонларни шудгорлаш ва тайёрлашга жиддий киришишга даъват этилгандир.

Куз фаслида барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилиши республикамиз ғаллакорларига ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ҳосилига мустаҳкам пойдевор яратишлари учун имкон беради.

ШОЛИ ЎРИМИ ҚИЗҒИН

Ворошилов районы шоликорлари ўрим-йиғимга бу йил анча барвақт киришдилар. Улар 2700 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Райондаги «СССР 50 йиллиги» шоликорлик совхозининг Ҳайдар Ирисбоев бошлиқ бўлими коллективи 800 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олишга қарор қилди. Шу совхознинг Шоип Аблеметов, Имомали Орзиқулов ўртоқлар бош бўлган бригадалар коллективлари 65—70 центнерлик хирмон учун курашмоқдалар.

Шу кеча-кундузда мазкур хўжалик далаларида ўрим қизғин бормоқда. Шолизорларда 50 дан ортиқ комбайн унумли ишлаётир. Шуларнинг 20 таси жатка билан шоли янчмоқда. Борий Солиҳов, Алексей Маоляков сингари комбайнчилар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса бажармоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз меҳнаткашлари каноп ўримини қизғин давом эттирмоқдалар. Бу ишда Убайдулла Отақулов бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишмоқда. Улар гектаридан пландаги 180 центнер ўрнига 200 центнердан каноп ўриб олишга қарор қилишган. Суратларда: бригада далаларида каноп ўрими пайти. Бригаданинг илғор ишчиларидан [чапдан] Дилором Абдураҳмонова ва Мамлакат Темирова ўртоқлар.

А. Абалян фотолари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЗИЛОЛ СУВ БУЛҒАНМАСИН»

Газетанинг шу йил 20 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада кейинги йилларда Тошкент шаҳрида сув ҳавзаларининг ифлосланишининг олдини олиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилишига қарамай сув ҳавзалари етарли тозаланмай ишлаб чиқариш сувлари билан булғатилаётгани каби фактлар очиб ташланган эди.

Мақола юзасидан ТОШКЕНТ ШАҲАР СУВ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИдан шундай мазмунда жавоб олинди: «Зилол сув булғанмасин» сарлавҳали мақола барча ходимлар ва линиялар ходимлари иштирокида бошқарманинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилиниб, шаҳар каналларининг ифлосланишига йўл қўймаслик юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Шу мақсадда сув хўжалиги бошқармасида ҳавзалар инспекцияси бўйича махсус бўлим ташкил этилди. Бу янги бўлим шаҳардаги район ижрокомларининг санитария милициялари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бораётир.

Маҳалла комитетлари аҳоли ўртасида каналларни ифлослантирмаслик ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

«БИЛГАНГА ЛАПАР, БИЛМАГАНГА...»

Шундай сарлавҳа билан босилган [газетанинг шу йил 2 август сони] фельетонда «Узгипроводхоз» лойиҳалаш институтининг баъзи ходимлари томонидан давлат мулки талон-торож қилиб юборилаётганлиги фош этиб ташланган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ ана шу фельетон юзасидан редакцияга жавоб йўллаган. Қуйида ана шу жавобнинг қисқача мазмуни билан танишасиз:

Фельетон министрлик коллегиясида муҳокама қилинди. Коллегия қатор ташкилий хулосалар чиқарди, камчиликларга йўл қўйган шахслар маъмурий тартибда жазоландилар ҳамда профилактик характердаги конкрет тадбирлар белгиланди.

8-экспедиция бошлиғи М. Қосимов, институт бош бухгалтери Н. Г. Аверьянов, қурилаётган корхоналар дирекцияси инженерлари В. Г. Половинкин, Ю. М. Хайкинлар вазифаларидан бўшатилдилар. Институтнинг қидирув ва иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосарлари В. Я. Алешченко ва М. В. Селимовга қаттиқ виговор берилди.

Институт директори ўртоқ Н. Муҳиддиновга 8-экспедиция катта бухгалтери В. М. Смитиенкони, ана шу экспедиция куратори — институтнинг қидирув бўлими ходими В. Г. Акулинларни эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиш таклиф этилди.

Коллегия институтнинг барча экспедицияларида комплекс ревизия ўтказишни ва областлар суғориш системалари бошқармалари қошидаги лойиҳалаш группаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тадбирини белгилади.

Министрлик коллегияси қарорини барча лойиҳалаш ташкилотларида, областлар суғориш системалари бошқармаларида, трестларда ва қурилаётган корхоналар дирекцияларида муҳокама қилиш топширилди.

СУВ КЕЛАДИ — НУР КЕЛАДИ

Қўрик Ховос районидаги Тимирязев номли совхоз коллективи лалмикор ерларда деҳқончилик қилади. Хўжаликнинг истиқболи янада порлоқ. Бу ерда жадал суръатлар билан Сармич сув омбори қурилмоқда. Объектда «Сирдарьяводстрой» трестининг Сирдарё механизациялашган кўчма колоннаси азаматлари бунёдкорлик ишларини амалга оширишяпти. Қўлбола денгизга олти миллион кубометр сув жамлаш мўлжалланган. Сув омборининг дастлабки навбати 1982 йили фойдаланишга топширилади. У тўла-тўкис қурилиб битказилгач, минг гектар майдонда токзор ва боғзорлар бунёд этилади.

Ана шу муддатни тобора яқинлаштиришни қурувчилар ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Ҳозир сув омбори қурилишида 14 та трактор, бульдозер ва экскаватор ишлаяпти. Сирдарёдаги 2-автоколоннанинг шофёрлари: Сайфуддин Мавлонов, Аъзамқул Нишоновлар кунлик нормаларини 1,5—2 марта ошириб адо этмоқдалар. Экскаваторчилардан А. Викторович, В. Плиаалко, скреперчилардан В. Чернишев, А. Конков, В. Мустафоевлар ҳам социалистик мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти.

Т. ОСТОНАҚУЛОВ.
Сирдарё области.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

АДДИС-АБЕБА, 15 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Кенгаши Раиси Менгисту Хайле Мариам билан музокаралари ниҳоясига етди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида томонлар Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш ишига мос бўлган Совет — Эфиопия ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ва ҳар жиҳатдан кенгайтиришга икки томоннинг интилажаги билдирилди.

Томонлар музокараларнинг якунлари юзасидан Совет — Эфиопия қўшма ахборотини келишиб олдилар. Ахборот матбуотда эълон қилинади.

* * *

Шу куни иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий ҳукумати ўртасида 1978 йил 19 сентябрдаги шартномаға протокол, бошқа иқтисодий битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжатлар геология, нефть тозалаш саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасида Совет — Эфиопия ҳамкорлигини янада ривожлантиришни кўзда тутади. Энг истиқболли структураларни нефть ва газни қидириш — разведка қилиш ишларини ўтказиш, Ассабдаги нефть тозалаш заводини ҳар йили бир миллион тоннагача нефтни тозалаш қувватига етказган ҳолда кенгайтириб реконструкция қилиш планлаштирилади. Тракторлар, комбайнлар ва эҳтиёт қисмларни йиғувчи ва кейинчалик ишлаб чиқарувчи, шунингдек осма ва тиркама қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи завод қурилишига ёрдам бериш тўғрисида принципиал равишда розилик билдирилди.

Протоколни СССР ҳукуматининг ваколатига биноан Давлат ташқи иқтисодий алоқалар комитетининг раиси С. А. Скачков;

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий ҳукуматининг ваколатига биноан Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш доимий комитетининг аъзоси Эндале Тессема имзоладилар.

* * *

Ҳужжатларни имзолаш маросими тамом бўлгандан кейин А. Н. Косигин Совет ҳукуматининг туҳфаси сифатида жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленин бюстини Менгисту Хайле Мариамга тақдим қилди.

* * *

Шу куни Эфиопия — Совет дўстлиги ва бирдамлиги комитетига «В. И. Ленин минбарда» деган скульптура ҳадя қилинди.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

АДДИС-АБЕБА, 17 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бу ердаги расмий дўстлик визитини тамомлаб, Эфиопия пойтахтидан жўнаб кетди. Совет ҳукумати бошлиғини Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

А. Н. Косигин жўнаб кетишдан аввал берган баёнотида, жумладан, бундай деди: биз визит якунларидан мамнунмиз. Музокаралар давомида СССР билан Эфиопия ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги даражасига юқори баҳо берилди, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Эфиопия шартномасининг қоидаларига, шунингдек, илгари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев билан МҲМК Раиси ўртоқ Менгисту Хайле Мариам ўртасида Москвада бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида эришилган аҳдномаларга биноан мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

Маълумки, бу ерда бир қанча қўшма ҳужжатлар қабул қилинди, бу ҳужжатлар Совет Иттифоқи билан Эфиопия ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминмиз.

* * *

АДАН, 17 сентябрь. (ТАСС). А. Н. Косигин қисқа дўстлик визити билан Яман Халқ Демократик Республикасининг пойтахтига келди. Аэропортда уни Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР президентлик кенгашининг раиси, Олий халқ кенгаши Президиуми раисининг ўринбосари, Бош министри Али Носир Муҳаммад ҳамда республиканинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари кутиб олдилар.

А. Н. Косигин Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси Абдул Фаттоҳ Исмоил билан дўстона, ўртоқларча суҳбатлашди.

Шу куни Али Носир Муҳаммад билан музокаралар ўтказилди.

А. Н. Косигин КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневдан ЯХДР раҳбарларига табриклар ва янги жамият қурилишида муваффақиятлар тилаб билдирилган истаклар топширди.

Бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида Совет Иттифоқи билан демократик Яман ўртасидаги, КПСС билан ЯСП ўртасидаги самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этилди. СССР билан ЯХДР бундан буён ҳам сиёсий муносабатларнинг икки томонлама ҳамкорлик масалалари бутун комплекси учун муҳимлигига асосланиб, шу муносабатларни мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият берадилар. Иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларни давом эттиришга ҳар иккала томоннинг интилаётганлиги изҳор қилинди. А. Н. Косигин Совет Иттифоқида коммунистик қурилиш қандай давом этаётганлиги тўғрисида ҳамда ҳозир КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш соҳасида, халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги, социал тараққиёт учун курашда ҳал этаётган вазифалар ҳақида ЯХДР раҳбарларига ахборот берди. У ЯХДР халқига Яман Социалистик партияси раҳбарлигига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида томонлар СССР билан ЯХДРнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва бу жараённи дунёнинг ҳамма районларига ёйиш учун кураш масалаларидаги қарашлари бир-бирига тўла-тўкис мувофиқ эканлигини қайд этдилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги аҳволни кўриб чиқиб, Миср — Исроил сепарат шартномасини кескин қораладилар, бу шартнома Исроилнинг араб ерларини оккупация қилиб туришини қонунлаштириш, фаластинлик араб халқини ўз даҳлсиз миллий ҳуқуқларидан маҳрум этиш мақсадини кўзлашини уқтириб ўтдилар. Араблар дунёсида империализмнинг ва унга гумашталик қилаётганларнинг кирдикорларига қарши, Яқин Шарқдаги аҳволни одилона ҳар томонлама бартараф этишга эришиш учун курашаётган ватанпарвар кучларнинг жипслигини ва ҳаракат бирлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

АФҒОНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ВА АДР РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

КОБУЛ, 17 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АХДП Марказий Комитетининг секретари Шоҳ Вали раислигида Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг фавқулодда пленуми бўлиб ўтди. АХДП Марказий Комитетининг Кобул радиоси орқали эшиттирилган баёнотида уқтириб ўтилганидек, пленум Н. Таракининг илтимосномасини кўриб чиқди. Н. Тараки унда бетоблиги туфайли партия ва давлат лавозимларини бажаришни давом эттира олмаслигини маълум қилди. Пленум унинг илтимосини қондиришга қарор қилди.

Пленум АХДП Марказий Комитетининг секретари, АДР Бош министри Ҳ. Аминни АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Шу куни АДР Революцион Кенгашининг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Ҳ. Амин Революцион Кенгашнинг Раиси қилиб сайланди.

К. ВАЛЬДХАЙМ ДОКЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). СССР билан АҚШ ўртасида СҚЧ-2 шартномасининг тузилиши стратегик ядро қуролларини кўпайтиришни чеклашга умид боғлаш имконини беради ва қуролсизланишдан иборат умумий проблемани ҳал этишда илгари силжиш учун зарур бўлган заминларни вужудга келтиради. БМТ Бош секретари К. Вальдхаймнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кейинги 12 ой мобайнида қилган ишлари тўғрисидаги докладида шартноманинг аҳамиятига шундай баҳо берилган. К. Вальдхаймнинг доклади бу ерда Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессияси очилиши арафасида тарқатилди.

Докладда таъкидлаб ўтилганидек, БМТ ва Хавфсизлик Кенгаши кўп йиллар мобайнида жаҳондаги конфронтациянинг олдини олишда муҳим роль ўйнади. Бу конфронтация ядро асрида муқаррар бўлиб қолиши мумкин. К. Вальдхайм шу йил ичида кескинлик ва можаролар жуда ҳам кўпайиб кетганлигини уқтириб ўтади. «Биз давримиздаги ларзаларда баъзи муштарак тенденцияларни билиб олишимиз мумкин. Бу тенденциялар кўпдан буён давом этиб келаётган адолатсизликни, шунингдек иқтисодий ва социал адолатсизлик вужудга келтираётган азоб-уқубатларни йўқотишга интилишдан иборат», дейилади ҳужжатда.

Яқин Шарқ, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, энг мураккаб ва энг жиддий сиёсий проблема бўлиб қолмоқда. Бу масалани ҳал этиш жаҳонда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий барқарорликни сақлаб қолиш учун асосий иш бўлиб қолаётганлигига шакшубҳа йўқ. Бу масаланинг ҳамма жиҳатларини, шу жумладан, Фаластин халқининг даҳлсиз ҳуқуқларини эътиборга олиб, можарони ҳар томонлама бартараф қилиш йўли билангина Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчликка эришиш мумкин. Барча манфаатдор томонлар бу жараёнга жалб этилиши шарт.

К. Вальдхайм «Яқин Шарқдаги вазиятнинг энг хатарли ҳолатлари» Жанубий Ливандаги аҳвол билан боғланган, деб таъкидлайди. Кейинги ҳафталарда бу районда зўравонлик кучайиб, хатарли тус олди. Бунинг натижасида тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бор, кўп киши бошқа жойларга кўчиб кетди ва моддий жиҳатдан катта зарар етказилди.

БМТ Бош секретари Зимбабве ва Намибия проблемаларини ҳал этишда силжиш йўқлигини кўрсатиб ўтади. Ирқчилар ҳукмронлигида яшаётган бу мамлакатлардаги аҳвол бутун регионнинг келажакдаги хавфсизлиги ва экономикаси учун жиддий оқибатлар рўй беришига сабаб бўлади. Биз бутун Жанубий Африканинг барқарор ва бахтли келажагига эришмоқ учун интилишимиз керак. Аммо апартеид ҳали мавжуд экан, бунга эришиб бўлмайди.

К. Вальдхайм жаҳон ҳамдўстлигини янги халқаро иқтисодий тартибни вужудга келтириш ҳақидаги музокараларни боши берк кўчадан олиб чиқиш учун кескин чораларни амалга оширишга чақирди.

ПЕКИННИНГ АВАНТЮРИСТИК ЙЎЛИ

Ахборот агентликлари, газеталар ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари Пекиндаги ҳукмрон доираларнинг Социалистик Вьетнамга ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларга қарши янги қуролли авантюрага жон-жаҳди билан тайёрланаётганлиги тўғрисида ташвишли хабарларни тарқатмоқдалар. Пекин раҳбарларининг ўзлари ҳам суверен Вьетнамга муттасил таҳдид қилмоқдалар. Ҳинди-Хитой ярим оролидаги мамлакатларга қарши янги агрессия хуружларига хилма-хил йўллар билан руҳий ва ҳарбий ҳозирлик кўрилмоқда.

Хитойнинг камида 12 дивизияси Вьетнам чегараси бўйлаб жойлаштирилган, фортификация иншоотлари зудлик билан қурилмоқда. Вьетнам-Хитой чегараларининг ҳамма қисмида вазият кескинлигича қолмоқда. Хитойлар ВСР чегарасида кун сайин ҳарбий иғвогарлик уюштириб келмоқдалар. Август ойида 100 мартадан зиёд, сентябрнинг биринчи кунларида эса 30 мартадан ортиқ шундай иғвогарлик қилинди. Хитойнинг ҳарбий қисмлари ВСРнинг барча шимолий вилоятларидаги аҳоли пунктларига бостириб кирмоқдалар, Вьетнамнинг чегара посбонларини ва тинч аҳолини ўққа тутмоқдалар.

Бундан ташқари хитойлар ўзларининг тўрт дивизиясини Лаос чегарасига тўпладилар ва Лаос Халқ Демократик Республикасига диверсиячи группаларни юбориб турибдилар.

Хитой билан АҚШ ҳали тамомила мажақлаб ташланмаган полпотчиларнинг руҳини кўтариш, шунингдек блокларга қўшилмаган мамлакатларни Пол Пот-Йенг Сари тўдасининг қўшилмаслик ҳаракатидаги ўрнини сақлаб қолиш зарурлигига ишонтириш учун шу «фронт»нинг асосий ташкилотчиси бўлди. АҚШ вице-президенти Мондейл Хитойга визит билан бориб келганидан кейин ва қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг конференцияси Гаванада давом этиб турган кунларда шу «фронт» тузилганлиги Пекинда эълон қилинганлиги бежиз эмас.

Жаҳон жамоатчилиги Пекиннинг ВСРга ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларга нисбатан ўтказиб келаётган авантюристик йўлидан ташвишланмоқда ва бу йўлга қарши қатъий норозилик билдирмоқда.

И. МАСЛЕННИКОВ.
(ТАСС).

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ШУНДАЙ ОИЛАКИ...

Сора опа кўча эшикдан кириши билан Мастура унга пешвоз чиқди. У охори кетмаган келинлик либосида яшнаб кетганди. Улар ток сўриси остидаги чорпояга бориб ўтиришди. Келин чойга уннади. Қайнона зимдан атрофга назар солди. Ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек қилиб супурилган. Уй олдида гулу райҳон, ўсмаю ошкўк ўсиб ётибди. Кўнгли равшан тортиб, чарчоғи ёзилгандай бўлди. Мастура бир зумда дастурхон ёзиб, чой дамлади. Гап гапга уланиб, суҳбат орасида келин анчадан бери кўнглига тугиб қўйган гапини айтди:

— Ойижон, сиз билан бирга ишласам дегандим...

— Яхши ўйлабсиз, қизим. Раҳмат. Лекин пича шошилмай туринг, вақти келиб қолар...

— Йўқ, ойижон, рози бўлсангиз эртагаёқ сиз билан бирга ишга чиқиб кетардим.

Унинг гапидан, келинининг меҳнатсеварлигидан Сора опа ич-ичидан қувониб кетди. Сирасини айтганда унинг ўзи ҳам уч кунлик келинлигида қайнонаси билан бирга фермага ишга чиққанди. Мана, неча йиллардирки, бутун колхозга донг таратган илғор сут соғувчилардан бири бўлиб келяпти. Меҳнат қилиб сира ҳам кам бўлаётгани йўқ.

...Қайнона кўп ўтмай келинини қанотига олди. Ўз касби — сут соғувчиликни унга ўргатди. Мана, беш йилдирки бирга ишлашади. Бири билмаганини бири ўргатади, кучи етмаса ёрдамлашади.

Мастуранинг умр йўлдоши Ҳамиджон ферманинг моҳир механизаторларидан бири. Қўл-оёғи чаққон, меҳнатсевар йигит. Машинада беда ўриб, ғарамга ташийди. Бу ишдан қўли бўшади дегунча хашак қирқади, прицепда келтириб охурларга тўкади. Оиланинг бошқа аъзолари ҳам Сора опага эргашиб фермада ишлашяпти. Оиланинг кейинги келинлари — Мавлуда, Адашхон, кенжа ўғли Исмоилжонларнинг бири сут соғувчи, бири бузоқбоқар бўлиб меҳнат қилишмоқда. Мактаб ўқувчиси Нодира ҳам дарсдан бўш вақтларида фермага келиб туради.

Наманган область Задарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхозида гўшт, сут етиштириш ва давлатга сотиш планлари муваффақиятли бажариляпти. Бунда Жамиловлар оиласининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳалол меҳнат уларга беҳад ҳурмат-иззат, мўмай даромад келтирмоқда. Ўтган йили Ҳамиджоннинг бир ўзи 4 минг 532 сўм, Сора опа 2 минг 862 сўм даромад қилишган эди. Оила колхоздан жами 12 минг 877 сўм иш ҳақи олди. Томорқадан, уйдаги чорва молларидан келадиган киримлар ҳам қўшиб ҳисобланадиган бўлса Жамиловлар оиласининг йиллик даромади 15 минг сўмдан ошиб кетади. Бу йилги даромад ҳам бундан кўп бўлса бўладики оз эмас. Ҳали бу оила бошлиғи Билол отанинг пенсияси, район марказида ишлаётган Маҳмуджон, савдо ходими Ҳасанжонларнинг ойлик маошлари бундан мустасно. Улар замонавий, дангиллама уйларда яшашади. «Москвич», «Жигули» енгил автомашиналари бор. Билол ота ҳам кўп йиллар шу колхозда ишлаб пенсияга чиққан.

— Замонамиз фаровон, тўқчилик, унинг қадрига етинглар. Ҳамиша эл ишига елка тутинглар, — дейди Билол ота фарзандларига.

Отахон ҳақ. Зотан Жамиловлар оиласининг бугунги камоли, бахт-иқболи ҳам шу кунги ҳаётимизнинг фаровонлигидан, совет турмуш тарзининг афзаллигидандир.

М. АБДУРАҲМОНОВ.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Тошкент области. Оржоникидзе районидаги Ризамат Мусамуҳамедов номли совхоз соҳибкорлари узумдан мўл ҳосил етиштиришди. Бу ерда ҳосил йиғими қизғин давом этмоқда. Суратларда: совхознинг илғор ишчиси К. Отабекова, бригада бошлиғи М. Иброҳимов ҳамда совхоз директори Н. Тожибоев ўртоқлар. Ўнгда — совхоз узумзори.

А. Абалян фотолари.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ОТАШИН ВАТАНПАРВАР

Ҳамза элу юртда қашшоқлик, жаҳолат ҳукм сурган ғоят оғир ва мураккаб даврда улғайди. Бу даврда Россия ишчилар синфи Ленин партияси бошчилигида революцион курашни авж олдириб юборган эди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий она халқининг келгусида бахтиёр бўлиши илғор Россиянинг озодликка эришиши билан боғлиқ эканлигини тушунди. У рус ва Россиядаги меҳнаткашларнинг орзу-умидларини ифода этган пешқадам революционерлар, инсонпарвар санъаткорлар овозига қулоқ солди. Улардан ўрнак олди. Ҳамза ижодиёти меҳнаткаш халқ орасидаги норозилик, исён, эзгу ниятлар ифодаси бўлиб жаранглайди. Ҳамзанинг жўшқин фаолияти кўп қирралидир. Унинг ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги ғояларини тарғиб қилишдаги хизматлари ҳам бениҳоя каттадир.

1914 йилда Ҳамза муаллимларга махсус мактуб билан мурожаат қилиб, «Олий зотларнинг гиж-гижлашига учган нодон, жоҳил ота-оналар қўл кўтариб айюҳаннос солмоқдалар ва «қўй, русчани ўрганма, бу дунёда у дунёда ҳам барака топмайсан!» деб вайсамоқдалар. Шундай қилиб, улар бизнинг рус тилини, Россия урф-одатларини ва маданиятини ўрганишимизга халақит бермоқчи бўладилар, ҳолбуки биз эллик йил бўлмаса ҳам қирқ йилдан бери Россия халқлари билан ватандош бўлиб қолганмиз», деб ёзади ва «Сиз ҳам ўз ўғлингизни русча мактабга беринг. Дорилфунунда тарбия ва таълим олиш — биз учун савдо-сотиқнинг энг зарур воситаларидан биридир. Ҳар қандай бойлик ва тараққиётга илм-фан ва маърифат орқали эришилади. Кўряпсизлар, ўзга қабилаларга мансуб халқлар ўзларининг норасида ўғил ва қизларини илм олиш учун Европадан Америкага, Осиёдан Европага тўрт-беш йилга юбормоқдалар. Сизлар ўз фарзандларингизни лоақал рўпарангиздаги рус-тузем мактабига беринглар! Шояд, бу ерда олинган тарбия келгуси кийинчиликлардан халос этса», деб даъват этади. Ҳамза дунёдаги ҳамма нарса илмга, ҳаракат ва меҳнатга боғлиқ, дейди.

Ҳамза бир қатор чет мамлакатларга саёҳат қилади. Ҳиндистон, Афғонистон, Арабистон, Эронда бўлганида Ватанини бир дақиқа ҳам ёддан чиқармайди. Аксинча, уни қуллик ва ижтимоий адолатсизликдан озод қилиш зарурлигини яхшироқ тушунади.

Ҳамза Ҳакимзода Россия билан иттифоқ бўлишни ёқлаб чиқиш билангина кифояланмайди. У айни бир вақтда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига ҳам қарши чиқди. Ҳамза Ҳакимзоданинг жуда катта хизмати шундан иборатки, у Туркияга эргашишни тарғиб қилган панисломист ва пантуркистларнинг чириган идеологиясига қарши чиқиб, илғор Европа ва Россия маданиятига, фанига, рус тили ва адабиётига, рус театри ва музикасига ихлос қўйди. Уларни халқ орасида ёйиш учун тинмай кураш олиб борди. Ҳамза ўлкани Россиядан ажратиб олишга уринган, рус маданиятига нисбатан адоват уруғларини сепа бошлаган «Қўқон мухторияти» деб аталган контрреволюцион миллатчи ҳукуматни қаттиқ қоралаб чиқди. Миллатчилар бу контрреволюцион «миллий» ҳукуматни «мусулмон меҳнаткашларининг олий органи» деб атади. Ҳамза бу умуммиллий ҳукуматнинг реакцион сиёсатини фош қилувчи «Мухторият ёки Автономия» номли асар ёзади. Унинг бу ўткир ғоявий асари 1917 йили театр саҳналарида ҳам ижро этилади. Бу асар Ҳамзанинг совет ҳокимияти ва халқлар дўстлиги учун курашида муҳим босқич бўлди. Ҳамза улуғ рус драматургларининг пьесаларини ҳам саҳналаштирди. Ҳамза миллий озодлик ғоясини тараннум қилар экан, у халқни миллий-маҳдудликка, ўз миллатини бошқа миллатдан юқори қўйишга даъват этмайди. Аксинча, у барча халқларнинг ўзаро яқин ва дўст бўлишини истайди. Ҳамза Ҳакимзода ўзбек ёзувчилари ичида биринчи бўлиб рус революционерлари образини яратди, рус халқининг революцияда раҳбарлик ролини, ўзбекларга кўрсатган беқиёс ёрдамини бир неча марта таъкидлаб ёзди.

Бу жиҳатдан унинг «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожиалари», «Хива инқилоби» каби асарлари диққатга сазовордир. Бу асарларда рус ва ўзбек ишчиларининг яқинлашуви, интернационал бирлик ғоялари, айниқса, равшан ва тўла акс этган. Рус ҳокими ўзбек бойини ёқлаб, камбағал Ғофирни Сибирга сургун қилади. Ғофир сургунда юрган вақтида революциягина халқни домла-эшонлар, бойлар зулмидан қутқаришини, бунда рус революционери ёрдами муҳимлигини тушунади.

Ҳамза илгари эзилиб келган барча халқларнинг чинакам озодликка чиқиш йўлини Октябрь тонгида кўрди. У планетани оёққа турғизган, зулм занжирларини парчалаб ташлаган Октябрь революциясини қучоқ очиб кутиб олди ва унинг оташин куйчисига айланди.

1927 йил Ҳамза империализм ва мустамлакачиликни қоралаб ёзган «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» номли пьесасида капиталистик мамлакатлардаги империалистик доираларнинг Советлар мамлакатига қарши хатти-ҳаракатлари, урушқоқ монополистларнинг миллий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашга беҳуда уринишларини фош этади.

Ўша даврда империалистлар Ватанимизга туҳматлар ёғдирди. Ҳамза «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» асарида мазлум халқларни Ленин ғоялари ғалабаси учун курашга чақирди. Ҳамза империалистларнинг Советлар ҳокимиятига қарши уруш очиш учун қилаётган уринишлари уларнинг заифликларини кўрсатади, деди ва асарида дунё халқлари янги турмушни тузишга қодирдирлар, деган фикрни олға сурди. Асарнинг сўнгги пардасида саҳнадаги В. И. Лениннинг катта ҳайкали ҳамда ҳилпираб турган қизил байроқлар инсоният тарихида мутлақо янги замон бошланганлигидан далолат беради.

Ҳамзанинг ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган «Ер ислоҳоти» номли асари ижтимоий ҳаётнинг асоси меҳнат ва моддий бойликлар ҳақида, уларнинг Октябрь революциясидан илгариги ва ундан кейинги характери тўғрисидадир. Революциядан илгари батраклар меҳнатининг самараси бойлар томонидан ўзлаштирилар, улар эса қашшоқлигича қолаверар эди. Энди ер, сув, яъни ишлаб чиқариш воситалари меҳнаткашлар қўлига ўтганди. Жамиятда яратилган моддий бойликлар ишчи ва деҳқонларнинг фойдасига ишлатилади, бу бойликлар халқнинг бардам ва тўкис, мўлкўлчиликда фаровон яшашини ҳамда мамлакатнинг қудратли бўлишини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам шоир «Ишчилар, уйғон!» деган шеърида кишиларни меҳнатда фаоллик кўрсатишга даъват этади:

Ишчилар уйғон, уйғон,
Сенга ишлашга етишди
замон!

Меҳнаткашларнинг фаровон турмуши учун керак бўлган жамики нарсалар меҳнат билан яратилишини яхши билган Ҳамза меҳнат қилмай кун кўрувчи текинтомоқларни ўткир сатира тиғига олади, қишлоқни коллективлаштиришда, қулоқларни тугатишда, коллектив меҳнатини барпо этиш ва мустаҳкамлашда бевосита актив иштирок қилади.

Ҳамза дин томонидан илоҳийлаштирилган, меҳнаткашларнинг хўжайинларига сўзсиз итоат қилишини тақозо этувчи эски аҳлоқни қаттиқ қоралайди.

«Майсаранинг иши» пьесасининг бош қаҳрамони — Майсара маънавий жиҳатдан руҳонийлардан юқори туради, хотин-қизларни ерга урувчи домла-эшонларни шарманда қилади.

«Туҳматчилар жазоси» асари ҳам шу маънода қимматлидир...

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг орзулари шонли Коммунистик партиямиз раҳбарлигида амалга ошди ва ошмоқда. Бугунги Ўзбекистон эришган ютуқлар бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда. Бу диёрда барча халқлар бахтиёр, жўшқин ва мазмундор ҳаёт кечирмоқдалар. Улар инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм сари қўлни қўлга бериб, дадил бормоқдалар.

У. БОЗОРОВ,
философия фанлари кандидати, доцент.

КЎЧМА КУТУБХОНАЛАР

Гурлан районидаги барча хўжаликларда пахта йиғим-терими даври учун кўчма кутубхоналар очилди. Кутубхоналарда сиёсий, бадиий адабиётлар бор. 1000 нафар китоб тарқатувчи ҳам далага чиқди. Бир қанча тематик китоб-сурат кўргазмалари пахтазоорларда намойиш қилинмоқда.

Гурлан район кутубхонаси ҳар куни пахтакорларнинг ёзувчилар, журналистлар, Хоразмнинг таниқли кишилари билан учрашувларини уюштириб турибди. (ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Спектакль. 11.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 17.10 — Жонажон табиат. 17.30 — Асл йигитлар. 18.00 — Д. Локшин чалади. 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Л. Минкус «Дон Кихот». 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Ҳақиқат излаб. Кўп серияли бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида С. Наровчатов поэзияси кечаси. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.30 — Ғ. Ғулом шеъриятида ватанпарварлик ва интернационализм ғояларининг куйланиши. 13.00 — Шу куннинг қўшиқлари. 18.20 — Нурафшон даврa. 18.50 — Хўжалик ҳисоби ва иқтисодий омиллар. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Алижон Эркаев куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.20 — Омск музикали комедия театри артистларининг якунловчи концерти.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Қолган умрим эвазига. Бадиий фильм, 2-серия. 20.00 — Янгиликлар. 21.00 — Фильм-концерт.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1979 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН 1980 ЙИЛ 25 АПРЕЛГАЧА

АВИАБИЛЕТЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Қуйидагиларга 50 процент скидкали имтиёзлар берилади:	Имтиёзли билетларни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:
Биринчи жаҳон уруши, Гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг инвалидлари ҳамда уларга тенглаштирилган кишиларга, шунингдек биринчи группа инвалидларини олиб юрувчи кишиларга;	пенсионерлик гувоҳномаси эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.
Граждан авиацияси олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари ва курсантлари; шунингдек Граждан авиацияси академияси қўмондонлик ва штурманлик факультетларининг тингловчиларига;	студентлик билети ёки курсантлик гувоҳномаси;
15—17 ёшли ўсмирлар йўлланма билан санаторийга бориш ва қайтишда (муддати 1980 йилнинг 31 майида тугайди).	санаторийга йўлланма, паспорт, ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома.
Қуйидагиларга 30 процент скидкали имтиёзлар берилади:	
Аспирантларга:	аспирантлик гувоҳномаси, иш жойидан справка.
Олий ўқув юртлари студентларига;	студентлик билети, кечки ва сиртқилар учун иш жойидан отпуска олганлиги тўғрисида иш жойидан справка.
Ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига (кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлар);	Ўқувчилик гувоҳномаси. Студентлик билети (ўқувчи, тингловчи гувоҳномаси)га ўқув юртининг ўқиш турини кўрсатувчи «кундузги», «кечки», «сиртқи» белгилари қўйилган штампи, ёки шу белгилар ёзилган ва печать ҳамда имзо билан тасдиқланган дастхати, шунингдек, фотосурат ва печать қўйилган бўлиши шарт.
Олий ўқув юртлари қошидаги таёрлов бўлимларининг кундузги ўқийдиган тингловчилари;	тингловчи билети.
12 ёшдан юқори мактаб ўқувчиларига;	Ўқувчилик билети, ўқувчилик билетида фотосурат бўлиши шарт эмас. Ҳужжатлар муддати 1979—80 ўқув йилига узайтирилган бўлиши керак.
Муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга (рядовой, сержант, старшина составн);	Ҳарбий кўчиб юриш ҳужжатлари.
ВЦСПС йўлланмаси билан ёки халқаро «Спутник» ёшлар туризми бюроси йўлланмаси билан ёлғиз кетаётган туристларга;	ВЦСПС ёки «Спутник» бюроси йўлланмалари, имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи транспорт талонлари ва паспорт.
Ишчилар группаларига; муассасалар, корхоналар, ўқув юртлари заявкаси билан экскурсияга борувчи (камида 15 киши) хизматчилар ва мактаб ўқувчиларига;	корхона, муассаса, ўқув юрти заявкаси ва унга илова қилинган группа аъзоларининг 3-нусхадан иборат рўйхати, паспортлар, студентлик ва ўқувчилик билетлари.
ВЦСПСнинг туризм ва экскурсия бўйича марказий совети ташкилотларининг заявкаси бўйича пассажирлар оқими унча кўп бўлмаган ҳаво йўлларида турист ва экскурсантларнинг планга қўшимча группаларига.	

Тарифдан чегириб ташлаш рейсга учадиган газ турбинали самолётлар (Як-40 дан ташқари), шунингдек бу самолётлардан «Як-40» ва поршенли самолётларга пересадка қилиб учувчиларга бориш ва қайтиб келишда амалга оширилади.

ИМТИЁЗЛИ АВИАБИЛЕТЛАР АЭРОФЛОТНИНГ БАРЧА КАССАЛАРИДА УЧИШ АРАФАСИДА ЁКИ САМОЛЕТ УЧИШИДАН 10—15 КУН ОЛДИН СОТИЛАДИ.

Справкалар олиш учун телефон — 56-06-17.

МАРКАЗИЙ ҲАВО АЛОҚАЛАРИ АГЕНТЛИГИ.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИ

Республика пойтахтининг йирик спорт маскани — «Пахтакор» марказий стадиони ўтган дам олиш кунлари яна гавжумлашди. Югуриш йўлкалари, сакраш майдончаларини бу сафар ўсмирлар банд этдилар. Мухлислар болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари анъанавий саккизинчи республика мусобақасининг шоҳиди бўлдилар. Ғолиблик учун курашда Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан ташриф буюрган 500 нафардан зиёд йигит ва қиз ўз маҳоратини намойиш этди. Биринчи группага кирувчи коллективлар ўртасида «Спартак» командаси жами 344 очко билан пешқадамлик қилди. «Меҳнат» ва «Буревестник» коллективлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга кўтарилдилар. Иккинчи группага кирувчи командалар ўртасида самарқандлик енгил атлетикачилар ғолиблик қилдилар.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ОЛИЙ ЛИГАДА

Ўзбекистонда спортнинг чим хоккей тури тобора оммалашиб бормоқда. Олий лигачилар қаторида куч синашаётган «Андижончи» ва Тошкентнинг «Университет» командалари билан бирга келаси йилдан Ленинскнинг «Старт» коллективи ҳам куч синашадиган бўлди. «Старт» хоккейчилари эркаклар биринчи лига командалари мамлакат чемпионати мусобақаларини муддатидан илгари муваффақиятли якунлашди. Чемпионат тугашига яна тўрт тур бор. Лекин, «Старт»нинг 50 очко тўплаши, команданинг қолган ўйинлар натижасига дахли қолмаганлигини кўрсатди. Аёллар олий лига командалари ўртасида биринчи марта ўтказилаётган мамлакат чемпионати баҳслари ҳам якунланиш арафасида. Москвада олти команда чемпионлик учун ҳал қилувчи учрашувларни ўтказмоқда. Ҳозирча Москва области спартакчилари билан «Андижанка» қизлари олтитадан очко тўплаб, пешқадамлик қилмоқдалар. Кеча пешқадамлар ўзаро учрашдилар.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Олий лига коллективлари қисқа танаффусдан кейин мамлакат чемпионатининг 24-тур ўйинларини ўтказдилар. Чемпионат охирлаб бормоқда. Лекин совриндор ўринларни эгалловчи коллективларнинг ўрни аниқ эмас. Фахрли ўринларга қарийб беш команда даъвогарлик қилмоқда, киевлик динамочилар билан «Шахтёр» футболчилари навбатдаги учрашувда қимматли очколар билан мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. ЦСКА — «Крылья Советов» — 1:0, «Динамо» (Тб) — «Спартак» —0:0, «Қайрат» — «Динамо» (Мн) — 1:0, «Торпедо» — «Арарат» — 1:1, «Динамо» (К) — «Заря» — 2:0, «Черноморец» — «Нефтчи» — 2:0, «Шахтёр» — «Пахтакор» — 3:0, СКА — «Динамо» (М) — 1:2.

Ўйинлар жадвали қуйидагича таркиб топди:

	Ю	Д	М	Т	О
Динамо К	16	5	3	31-11	37
Шахтёр	15	7	2	40-15	37
Спартак	14	7	3	44-17	35
Динамо Тб	13	9	2	36-15	34
Динамо М	11	6	7	23-16	28
Зенит	10	5	8	31-29	25
Арарат	8	11	5	30-23	24
ЦСКА	9	6	9	29-25	24
Динамо Мн	9	5	9	25-22	23
Пахтакор	8	5	9	26-33	21
Черноморец	6	9	9	22-25	20
Торпедо	6	8	10	22-28	20
Қайрат	6	4	13	21-33	16
Локомотив	4	9	10	28-39	16
Заря	4	7	13	26-42	15
Нефтчи	4	7	13	15-32	15
СКА	3	12	9	23-39	14
Кр. Советов	5	2	17	13-42	12

Эслатма: «Локомотив» — «Зенит» учрашуви ҳисобга олинмади.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Замонавий қўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Чет эл эстрадаси артистлари билан учрашув. 14.00 — «Қаҳрабо дон» ўрими давом этмоқда. 18.50 — Ёшлик. 19.45 — С. Раҳмонова куйлайди. 20.25 — Янги музикали ёзувлар. 20.50 — Қуролсизланиш — давр тақозоси. Совет ҳукуматининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги Декларациясининг 20 йиллигига. 21.00 — Шеърият кечаси. Уйғун лирикаси. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 — Лирика кечаси. 23.00 — Дам олиш концерти.

ДИҚҚАТ!

Тошкент алоқа электротехника институти ҳузуридаги

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

Маиший электроника факультетида

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Факультет тингловчиларни замонавий радиотехника асослари, маиший радиоэлектрон асбобларнинг қурилиши ва эксплуатацияси билан таништиради.

Программа кенг тингловчилар оммасига мўлжалланган.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Машғулотлар — ҳар ойнинг биринчи ва учинчи чоршанбасида институт ўқув корпусининг 116-аудиториясида соат 19.00 дан 20.30 гача ўтказилади.

Фамилия, исми, отасининг исми, туғилган йили, маълумоти ва иш жойи кўрсатилган ариза қуйидаги адресга юборилади: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Энгельс кўчаси, 108-уй. Илмий иш бўйича проректорга учрашилсин.

Справкалар учун маиший электроника факультети деканига 416-хонага соат 10.00 дан 15.00 гача мурожаат қилинсин.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Чио-Чио-Сан**, 19/IX да **Уйқудаги гўзал**, 20/IX да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Соқов рицарь**, 19/IX да **Олтин девор** 20/IX да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 19/IX да **Она қизим**, 20/IX да **Гулбаҳор қани?**

●

«ЎЗСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИГА ЖИЗЗАХ ВА ГУЛИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН:

слесарь-сантехниклар, сантехниклар, электр-пайвандчилар, электр-газ пайвандчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай, аккордли, аккордли-мукофотли. Жиззах шаҳрида ишловчилар ишга тушганларидан сўнг 6 ой мобайнида квартира оладилар.

Иш жойига трест йўлланмаси билан борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-29, Апанасенко кўчаси, 35-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55 32-55-05 секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69 32-53-97 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-54-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-36; эълонлар бўлими — 33-81-42, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-81-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02167. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 215.